


*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристарни малакасини ошириш  
маркази, Хусусий ва ҳуқуқий фанлар кафедраси*

**Юридик хизмат томонидан давлат органи  
ва ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик  
қарзлари аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини  
камайтириш чораларини кўриш масалалари.**

*Муротов Журабек Сафарович*  
Хусусий ва ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

## **Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:**

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- 2) Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (05.12.2013 й., № 254);
- 3) Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида (1995 йил 12 май, ПФ-1154-сон);
- 4) Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (2018 йил 30 октябрь, ПФ-5564-сон)
- 5) Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2020 йил 14 май, 283-сон).




Юридик хизмат ходими тегишли тузилмалар билан биргаликда давлат органи ва ташкилотининг **дебиторлик ва кредиторлик** қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради



**Дебитор** (лот. дебитор) — мулк ёки пул қарзи бўлган жисмоний ёки юридик шахс



**Кредитор** — мулк ёки пул қарзни берган жисмоний ёки юридик шахс




Товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб **ТЎҚСОН КУН** ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин. (1995 йил 12 май, ПФ-1154-сон 2-банд).

Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилсин.


(МЖТК 175-моддаси БХМ 10-15 жарима.)

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси тўлов қобилиятига эга бўлмаган истеъмомчиларга маҳсулот етказиб бераётган (ишлар, хизматларни бажараётган) мансабдор шахсларни жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиш устидан назоратни кўчайтирсин.



Товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.


Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилсин. (ПФ-1154-сон 12.05.1995 2-банди)



Қарзни узоқ вақт ва зўр бериб «аранг ундириш» ёки қарз мажбуриятларини бекор қилишдан кўра, уни вужудга келишини олдини олган маъқул.


Буни контрагент билан тегишли шартномани расмийлаштириш босқичида унда тарафлар мажбуриятларининг аниқ миқдорлари ва мажбуриятларни таъминлаш чораларини кўзда тутган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бу шартлар қарздорлик вужудга келган тақдирда уни сўндиришнинг қўшимча кафолати бўлади.

Фуқаролик кодексининг 22-боби билан мажбуриятларни таъминлашнинг қуйидаги турлари кўзда тутилган: неустойка (260-263-моддалар); гаров (264-289-моддалар); ушлаб қолиш (290-291-моддалар); кафиллик (292-298-моддалар); кафолат (299-310-моддалар); закат (311-312-моддалар).




Агар барибир қарз вужудга келган бўлса, вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас – уни сўндириш учун муайян чораларни кўриш керак.


Қарздорлик билан ишлаш босқичларини, шартли равишда, қуйидагича таърифлаш мумкин.



**Биринчиси.** Корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини мониторинг қилиш ва молиявий актив/пассивларни инвентаризациялашни амалга ошириш. Биринчи навбатда қарз мавжудлиги, унинг миқдори, асоси ва уни юзага келиш муддатлари фактини аниқлайди.



**Иккинчиси.** Вужудга келган қарзларни сўндириш бўйича **ёндашувни танлаш**. Қонун кредиторга ўз ихтиёрига кўра **судгача ҳал қилиш тусидаги чоралар**ни ва суд инстанцияларига суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза билан ёки қарзни ундириш тўғрисида даъво аризаси билан бевосита мурожаат қилишни танлаш имкониятини кўзда тутди.




Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ИПК 135-моддасининг 3-бандига асосан тақдим этилган суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризада **дебиторлик қарзини қарздорнинг мол-мулкидан ундириш тўғрисида талаб қўйилиши мумкин эмас.** Бундай талаб билдирилганда, аризани қабул қилиш ИПК 140-моддасининг биринчи қисмига асосан рад этилади (254-сон 05.12.2013).

ИПК 135-моддасининг 3-бандига асосан қарздорликни ундириш тўғрисида талаб қўйилганда, дебиторлик қарзини қарздор томонидан ҳужжатлар асосида тан олинган бўлиши лозим.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ИПКнинг 25 (судга тааллуқлили), 32 (судловга тегишлилиги) – 34 (танлов асосида судловго тегишлилик), 38 (келишув асосида судловга тегишлилик)-моддаларида назарда тутилган судловга тааллуқлили ва тегишлиликнинг умумий қоидаларига амал қилган ҳолда берилади.






**Учинчиси.** Қарзни ундиришнинг танланган стратегиясига (талабномани қарздорга юбориш, судга мурожаат қилиш учун ҳужжатларни тайёрлаш, мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ва ҳ.к.) мувофиқ амалга ошириладиган қарзни сўндиришга қаратилган аниқ ҳаракатлар.

### Қарзни ундириш: ҳуқуқми ёки мажбурият?

Қонунчилик билан белгиланишича, вужудга келган пайдан бошлаб **90 кун ўтган дебиторлик қарзи муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб тан олинади.** Корхонада бунинг мавжудлиги унинг мансабдор шахсларига 10 дан 15 ЭКИҲ миқдориди жарима солишга сабаб бўлади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси).



Қайд қилиш жоизки, кўрсатилган муддатларнинг ўтиши тегишли мажбуриятлар шартнома шартларига кўра контрагент томонидан бажарилиши керак бўлган пайдан бошланади. Муаммони ҳал қилиш учун тарафлар шартномавий мажбуриятларни бажариш муддатларини узайтириш учун қўшимча келишувни расмийлаштиришлари етарли бўлади.

Қарз мажбуриятларини бошқариш бўйича ёндашувларга нисбатан яна баъзи нисбатан низосиз вариантларни кўриб чиқамиз.

**А варианты.** Дебиторга хизмат кўрсатувчи банкка **тўлов талабномаси** билан мурожаат қилиш имконияти. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга биноан тўлов талабномаси ўзини маблағларни олувчининг маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномасида кўрсатилган суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати сифатида намоён қилади. Тўлов талабномаси товарлар (ишлар, хизматлар) учун, шунингдек маблағларни олувчи ҳамда маблағларни тўловчи ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича тақдим этилиши мумкин.

Бироқ акцептсиз тартибда қарздор ҳисобварағидаги маблағлар фақат банкка тўловчининг қарз суммасини тан олиши тўғрисида ёзма жавоби тақдим қилинган тақдирда ҳисобдан чиқарилади. Бошқа ҳолларда банклар томонидан рад этиш асосланганлиги (рад этиш сабаби), шунингдек бундай рад этиш сабаблари бўйича низоларни кўриб чиқилмаслигини инобатга олиб, дебитор ҳар қандай расмий сабабларга кўра талабни акцептлашни рад этиши мумкин.

Қарши мажбуриятни ҳисобга олишга қарздорга нисбатан бир тусдаги ижро қилинмаган қарши мажбурият мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Бунда ҳисобга олиш учун қарши мажбуриятнинг вужудга келиш муддатлари ва асоси муҳим эмас (асосийси ҳисобга олиш пайтида уни ижро қилиш муддати бошланган бўлиши керак) ва бир тарафнинг аризаси етарли ҳисобланади.

Инобатга олиш лозимки, мазкур масалада қонунчилик томонидан муайян чекловлар кўзда тутилган. Фуқаролик кодексининг 344-моддасига биноан қуйидаги талабларни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди:

- 1) даъво муддати ўтган талабларни;
- 2) фуқаронинг соғлигига шикаст етиши ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабини;
- 3) алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;
- 4) умрбод асраш шarti билан уй-жойни бошқа шахсга топшириш талабини;
- 5) қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳоллардаги талабни.

Қонун жумладан, агар дебитор қарзни шахсан сўндириш имкониятига эга бўлмаса, мажбуриятда **шахсни ўзгартиришга йўл қўяди**. Бунинг учун талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш тўғрисида **уч томонлама келишув расмийлаштириш зарур** бўлади. Албатта, бу кредиторнинг дебиторлик қарзи юзасидан муаммони ҳал қилади, бироқ қарздор учун моҳиятан ҳеч нарса ўзгармайди, бундан ташқари, у янги кредиторга қарздор бўлади.


**Факторинг шартномаси** (пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш) кредиторнинг молия агентига ундан олинган пул маблағлари ўрнига пул талабномасини топшириш ҳуқуқини, содда қилиб айтганда, **молия агентига ўз дебиторлик қарзини сотишни кўзда тутлади**. Бунда қарздорнинг дастлабки розилиги талаб қилинмайди.

Бироқ Ўзбекистонда факторинг операциялари тижорат банклари томонидан амалга оширилади, **яъни банklar ўша молия агенти ҳисобланишади**, бироқ банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка биноан банк фақат унинг лицензиясида кўрсатилган операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Кредитор, биринчи навбатда, мос келадиган банкни излаш юзасидан бош қотиради.

**Факторинг** - хўжалик юритувчи субъектлар - етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк - молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.

Бу шуни англатадики, агар дебиторлик қарзи, олайлик, товарларни етказиб бериш бўйича мажбуриятни бажармаслик сабабли вужудга келган бўлса, **факторинг шартномасини расмийлаштириб бўлмайди**. Иккинчидан, факторинг операцияларини:

- 1) бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича;
- 2) жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича;
- 3) тўловга ноқобил деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича;
- 4) зарар кўриб ишлайдиган корхоналар бўйича;
- 5) капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича;
- 6) экспортга оид консигнация контрактлари бўйича;
- 7) компенсация ва бартер битимлари бўйича;
- 8) ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича;
- 9) тўловчи шартномада шартланган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича амалга оширилиши мумкин эмас.



Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза **юримдик шахс мақомига эга бўлмаган кредитор томонидан** ёки **юримдик шахс мақомига эга бўлмаган қарздорга нисбатан** берилганда, аризани қабул қилиш ИПК 140-моддаси биринчи қисмига асосан рад этилади

Ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзни ундириш учун суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага **қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**




- 1) қарздор билан тузилган шартноманинг асли ёки нусхаси;
- 2) товарлар етказилганлиги, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 3) қарздорлик тан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (солиштириш далолатномаси, ёзишмалар ва ҳ. к.)нинг асли.

Хужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзни ундириш учун суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага **қуйидаги хужжатлар илова қилиниши лозим:**


ИПКнинг 137-моддасига мувофиқ аризачи (кредитор) суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида **қарздорга аризанинг кўчирма нусхасини топшириши шарт.** Қарздор — **юримдик шахсга** суд буйруғини бериш тўғрисидаги **аризанинг кўчирма нусхаси топширилганлигининг далили бўлиб,** унинг **раҳбари ёки ходимининг муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) ёки штамп билан тасдиқланган имзоси,** қарздор — фуқарога эса унинг **шахсий имзоси ҳисобланади.** Ушбу тартибга риоя қилинмаган тақдирда, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ИПК 141-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан аризачи (кредитор)га қайтариллади.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилинганда низолашилаётган суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ставканинг **эллик фоизи миқдоридда давлат божи тўланади.**






Ташқи савдо контрактлари бўйича, дебитор қарздорлик Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 14 майдаги 283-сонли** қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 23-бандига мувофиқ:



**ИМПОРТ** контрактлари бўйича товарни олиб кириш, хизматларни бажариш ёки пулни қайтариш муддати тўлов амалга оширилган кундан бошлаб **180 календарь кундан** ортиқ бўлмаслиги керак



**ЭКСПОРТ** контракти бўйича **тушум тушиши** ёки товарларни **қайта олиб кириш муддати** товарларга нисбатан — «экспорт» божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак

## Ташқи савдо контрактлари дебиторлик қарздорликлар учун санкциялар (27-б.)

➔ Экспорт (пулни тушуриш ёки товарни қайтариш) ва импорт қилувчилар (товарни олиб кириш ёки пулни қайтариш)ни **30 банк кундан ортиқ** таъминламаган (кичик бизнес **60 банк куни**) ушбу муддатлар тамом бўлгандан кейин:

➔ **180 кунгача** кечикканда **сумманинг 10 фоизига** тенг миқдорда

➔ **180 кундан 365 кунгача** кечикканда **сумманинг 20 фоизига** тенг миқдорда

➔ **365 кундан ортиқ** кечикканда **сумманинг 70 фоизига** тенг миқдорда

**2021 йил 1 майдан бошлаб** чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган **жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилганлиги** Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» ПҚ-5087-сонли қарори 10-бандида белгиланди.


Шу билан бирга **2021 йил 1 май ҳолатига** шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилсин ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари **2021 йил 1 майдан бошлаб** янгидан ҳисобланиши белгиланди.

Қуйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларга ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарима қўлланилмайди:


1. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунинг 11-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ репатриация қилинган активлар суммасига нисбатан

2. Асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида уларни етказиб бериш техник хусусиятидан келиб чиқиб 180 календар кундан ортиқ белгиланган.

3. Чет элдаги корхона номига олиб чиқилган ҳамда ташиш жараёнида томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда яроқсиз ҳолга келиб қолган ёки импорт қилувчи давлат томонидан **мусодора қилинган бўлса**, мусодора қилинган ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида шу мамлакат божхона органининг тасдиқномаси/тегишли ваколатли орган **экспертизаси даволатномаси** тақдим этилганда.



4.Айни бир қарздорлик предмети ва товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) амалдаги экспорт ва импорт ҳажми бўйича такрорий жарималар;



5.Экспорт операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг умумий суммаси муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган санадан олдинги 36 ой давомида **таъминланган валюта тушумининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолатларда.**

1. Давлат органи  
тегишли тузилмаси  
дебитор қарздорлик  
тўғрисидаги  
маълумот

2. Юридик хизмат

3.Талабнома  
лойиҳаси

4.15 кун ичида жавоб  
хати олгандан сўнг  
ёки жавоб олмагач

5.Юридик хизмат  
тегишли тартибда  
расмийлаштириб  
қарздорга юбориш  
ва назорат учун

6.Тегишли  
тузилмага кўриб  
чиқиш учун


7.Қарздор ҳисоб  
рақами очилган  
банкка тўлов  
талабнома қўйиш

8.Тегишли  
судга даъво  
ариза киритиш

9.Суд қарори ва  
ижро варақасини  
олгач

11.МИБ

10.Банкка  
инкасса учун



**Ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзни ундириш учун даъво аризаги қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**



Қарздор билан тузилган шартноманинг асли ёки нусхаси;



Товарлар етказилганлиги, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;



Қарздорлик тан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (солиштириш далолатномаси, ёзишмалар ва ҳ. к.)нинг асли.



Белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;



Даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлигини;



Жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;



даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни;

даъвогарнинг юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;

даъвогарнинг юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;

даъво аризасини имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.